

## **ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ АСАРЛАРИДА РАМЗИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ**

**Нигора Абибуллаевна АЛИСУЛТОНОВА**

доцент

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Андижон давлат педагогика институти

Андижон, Ўзбекистон

**Бегайым Эгемберди ўғли ХАБИБУЛЛАЕВА**

талаба

Андижон давлат педагогика институти

Андижон, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада Чингиз Айтматовнинг асарларидаги рамзий элементлар, улар орқали инсоннинг табиат билан узвий боғлиқлигидан узилишининг фалокатли оқибатлари ҳамда миллий-маънавий анъаналарнинг йўқолиши ёки сусайишидаги фожиавий жараёнларнинг бадий талқинлари очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** анъана, рамз, экология, миф, трагедия.

## **СИМВОЛИЧЕСКИЕ ЭЛЕМЕНТЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА**

**Нигора Абибуллаевна АЛИСУЛТОНОВА**

доцент

доктор философии по (PhD) филологическим наукам

Андижанский государственный педагогический институт

Андижан, Узбекистан

**Бегайым Эгембердиевна ХАБИБУЛЛАЕВА**

студентка

Андижанского государственного педагогического института

Андижан, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье анализируются символические образы в творчестве Чингиза Айтматова, посредством которых писатель раскрывает трагические последствия отрыва человека от природы и утраты (или ослабления) национально-духовных традиций.

**Ключевые слова:** традиция, символ, экология, миф, трагедия.

Чингиз Айтматов – қирғиз адабиётининг дунё миқёсидаги улуғ ёзувчиси. Унинг асарлари инсониятнинг абадий муаммолари – инсонийлик, табиат билан ҳамоҳанг яшаш, миллий урф-одатларнинг сақланиши ва келажакка бўлган умид-орзуларни чуқур фалсафий акс эттиради. Бу мавзулар Айтматов ижодининг марказида туриб, унинг асарларини фақат миллий эмас, балки умуминсоний аҳамиятга эга қилади.

Айниқса, «Оқ кема» қиссаси ушбу ғояларнинг энг ёрқин ва фожиавий ифодасидир. Ушбу қиссада номи зикр қилинмаган етти ёшли етим боланинг дунёқараши орқали совет давридаги жамият ўзгаришлари, инсон ички дунёсидаги зиддиятлар ва табиатнинг бузилиши тасвирланади.

Ёзувчи боланинг ички оламини очиб беришда табиатнинг жонли ва жонсиз элементларини антропоморфлаштириш усулидан усталик билан фойдаланади. Улар бола томонидан жонли мавжудотлар сифатида қабул қилиниши, табиат билан самимий мулоқот, суҳбатлашиш, дўстлашиш ва ўйин қуриш жараёнлари бадий-эстетик жиҳатдан юқори даражада тасвирланади.

Асарда Чингиз Айтматов маҳоратининг ўзига хос ва энг муҳим жиҳатларидан бири – рамзий элементларнинг бойлиги ва чуқур фалсафий мазмунидир. Бу рамзлар фақат тасвирий восита эмас, балки ўқувчини чуқур ўйлантришга, воқеликнинг маънавий-ахлоқий ўлчовларини қайта кўриб чиқишга ундайдиган фалсафий-символик кодлар сифатида хизмат қилади. Натижада, асарнинг бадий қуввати ва универсал аҳамияти рамзий қатламларнинг бойлиги ва уларнинг ўзаро уйғунлиги туфайли янада кучаяди, ўқувчини оддий сюжетдан ташқари, инсониятнинг глобал муаммолари ҳақида фикр юритишга мажбур этади.

Рамз – қандайдир тушунча, ғоянинг шартли белгиси сифатида ишлатиладиган нарса; ҳаракат ўша образнинг ўзидир [1; 434].

Профессор Шомирза Турдимов «Халқ кўшиқларида рамз» монографиясида “Бадий асарда (фольклор ва адабиётда) рамз деб, бирор сўз (образ ёки детал) ва сўзлар бирикмасининг ўзи ифодалаб келаётган луғавий маънодан ташқари, шартли равишда турғун бадий ассоциация ўйготишини ва бу имуққнинг назарда тутилаётган поэтик маънони юзага чиқишида хизмат қилишини тушунамиз”-деган фикрини айтади. Шунингдек, “Поэтик рамз кўпчилик бадий тасвир воситалари қатори фольклор ва адабиётда фикрни, туйғу ва кечинмаларни қисқа, образли қилиб ифодалашда қўлланилувчи омил, бадий тафаккур маҳсулидир”, дейди [2; 6].

Ю.М.Лотман рамзлар хақида “Символ хақидаги энг одатий тасаввур маълум бир мазмун (контент) идеяси билан боғлиқ бўлиб, бу мазмун, ўз навбатида, одатда маданий жиҳатдан қимматроқ бўлган бошқа мазмун учун ифода режаси вазифасини ўтайди”, деб қайд этади [3.]

Айнан шу маънода қисса номининг ўзи – «Оқ кема» – асарнинг марказий рамзига айланади. Бу кема боланинг ички оламидаги энг муқаддас орзу, келажак умиди ва маънавий поклик тимсолидир. Бола Иссиққўлда сузиб юрган оқ кемани дурбин орқали кўриб, унда ўз отасини матрос сифатида тасаввур қилади: кема унга муҳаббат, ҳимоя ва орзулари рўёбга чиқадиган олис, пок олам сифатида кўринади. Шу орқали Айтматов боланинг табиат билан уйғун, ҳали бузилмаган пок қалбини, шу билан бирга умидсизлик ва фожиа остида қолган инсонийлик изтиробини рамзий даражада ифодалайди. Оқ кема фақат боланинг хаёлидаги умид эмас, балки бутун инсоният учун йўқолаётган поклик ва ҳамоҳангликнинг фожиавий рамзига айланади.

Тадқиқотчи Айнура Қодирманбетова «Оқ кема» хақида шундай дейди: «Ёзувчининг бадиий тадқиқот объекти бўлган ҳар бир воқеа, ҳар бир бадиий детал ўзининг фикр сиғими, фалсафий маъно-моҳияти билан бойитилгани билан ўзига хосдир» [4; 354]. Бу фикр асарга берилган тўғри баҳо.

«Оқ кема – оқлик, поклик, келажак рамзи» сифатида тасвирланади. Бола кемани кўриб, ўзининг ёлғизлигини унутади ва келажакка умидланади.

Бола кемага етишни орзу қилади, бу кема унинг ички дунёсида идеал ҳаётни англатади. Аммо асар финалида бола сувга чўкиб, ўзини балиққа айлантириб, кемага етиш орзусида ҳаётдан кўз юмади. Бу лаҳзада оқ кема етиб бўлмас узоқлик рамзига айланади – у бола учун ҳақиқатдагина эмас, балки маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ҳам қўл етмас орзу бўлиб қолади. Бу фожиа жамиятнинг пессимистик портретини яратади: цивилизация номидан табиат ва анъаналарнинг поймол этилиши, моддий манфаат учун маънавий қадриятларнинг қурбон қилиниши оқибатида пок умидлар, болалик орзулари ва инсонийлик амалга ошмай, барбод бўлади.

Рамзнинг чуқурлиги айнан шундаки, оқ кема бола учун фақат келажак умиди эмас, балки ота-она ўрнини босувчи маънавий ҳимоя ва муҳаббат манбаидир.

Оқ кема – инсониятнинг абадий изланиши, покликка, маънавий уйғунликка ва йўқотилган идеалга интилиш метафораси сифатида талқин қилинади. Чингиз Айтматов бу рамз орқали замонавий жамиятнинг табиат билан ҳамоҳангликни бузиб, уни фақат ресурс сифатида кўриши, анъанавий қадриятларни поймол этиши ва инсонни ўз маънавий ўзлигидан узоқлаштиришини кескин танқид қилади.

Бола кемага етиб бориш учун ўзини балиққа айлантириб, сув остида сузиб кетишни орзу қилади – бу ҳаракат қадимий мифлардаги трансформация мотивларини эслатади. У инсон шаклидан воз кечиб, табиатнинг бир қисмига айланиш орқалигина поклик ва уйғунликка эришиш мумкинлигини рамзий ифодалайди. Бу истак фақат боланинг шахсий фожиаси эмас, балки бутун инсоният учун огоҳлантирувчи сигналдир: табиатдан ажралган, ўз анъаналарини йўқотган жамиятда инсон ўзининг ҳақиқий «инсоний» шаклида яшай олмайди ва фақат ўзини йўқ қилиш ёки ўзгариш орқалигина «қутулиш»ни тасаввур қила олади.

Қиссада боланинг энг яхши кўрган нарсаси — дурбин. У дурбин орқали узоқни яқин қилиб кўради. Профессор Абдикерим Муратовнинг «Оқ кема» қиссаси бўйича маълумотларида «Дурбин — узоқни яқин, яқинни узоқ қилиб кўрсатадиган оптик қурилмагина эмас, балки дунёни таниб билиш рамзи ҳамдир» деб айтади [5]. Бола дурбин билан оқ кемани, тоғларни, ҳайвонларни кўради, бу унинг қизиқиши ва билимга интилишни кўрсатади. Бола дурбинини «дўстим» деб ҳисоблайди. Қиссада дурбин боланинг ёлғизликдан чиқиш воситасидир. У дурбин билан янги дунёни кўради, масалан, кемани яқинлаштириб кўради. Аммо дурбин ҳам етиб бўлмас нарсаларни кўрсатади, бу – умид ва ҳақиқат ўртасидаги зиддият.

Демак, дурбин – билим ва дунёқараш рамзидир. Айтматов бу орқали боланинг ички дунёсини очади. Дурбин қисса тузилишида муҳим детал

хисобланади: у орқали воқеалар тасвирланади. Рамзнинг фалсафий маъноси – инсон дунёни ўз кўзи билан кўриши керак, лекин жамият босими уни ҳақиқатдан йироқ тасвирлайди.

Яна бир рамзий белги бу – болага Мўмин бобоси сотиб олиб берган портфель. Уни сотиб олишни дўкончи бобосига таклиф қилган эди:

– Ушла, шалпанг қулоқ. – Дўкончи портфелни бериб, кўзини қисиб кўйди. – Яхши ўқи, бўлмаса бобонгга ўхшаб, умр бўйи тоғдан тушмай ёввойи бўлиб қоласан [6; 377].

Бола портфелни кўтариб, хурсандлигидан бошқаларга суюнчилайди. Боланинг хурсандлиги ичига сиғмайди. Портфель – ўсиш, билим ва ҳаётнинг оқ-қорасини ажратиш, улғайиш рамзидир. Қиссада портфель боланинг мактабга бориш белгиси бўлиб, у билан фахрланади. Асар матнига таяниб айтсак, портфель олинган кун – повестнинг уч кунлик воқеаларининг биринчисидир. Бола портфелини ҳам кўшиб «учтамыз» деб ҳисоблайди: бу – ўзи, дурбини ва портфели. Бу боланинг дунёсида билимнинг ўрнини яққол кўрсатади. Ч. Айтматов бу орқали билимнинг аҳамияти ва унинг йўқлигидан келиб чиқадиган оқибатларни кўрсатади.

Шунингдек асарда Шохдор Буғу-Она – табиат ва урф-одат рамзи сифатида берилган. Асарнинг мифик қисми – Шохдор Буғу-Она ҳақидаги афсона. Буғу-Она – қирғиз халқининг келиб чиқиши, табиатнинг оналик рамзи. Қиссада: «Шохдор Буғу-Она» ҳақидаги афсона «Оқ кема» асарининг ажралмас қисми сифатида тасвирланади. Бу афсона асарнинг ўқ-илдизи, негизи десак, хато бўлмайди. Мўмин чол бу афсонани набирасига айтиб беради. Афсонада Чўтир юзли Баймоқ кампир болаларни сувга Чўтир юзли Баймоқ кампир Буғу-Онага: «– Булар – инсон боласи. Катта бўлса, буғучаларингга ўқ отиб ўлдиради» деб огоҳлантиради. Вақти келиб улар кўпайиб, Буғу уруғидан тарқалганини айтишади, ўлган ота-оналари қабрига ўн саккиз шоҳли буғуларнинг шоҳларини кўйишни одатга айлантиришади. Буғу-Она шунда Чўтир юзли Баймоқ кампирнинг сўзини эслаб, улардан ранжиб, болаларини олиб одамзоти йўқ ерга, яъни узоққа кетади.

Буғунинг ўлдирилиши – қиссанинг кульминацияси. Ўрозкул буғуни отиб ўлдиради, бу – анъана, қадриятнинг бузилиши. Бола афсонани эшитгандаёқ буғуни «Она» сифатида қабул қилади. Бола иситмалаганда бобоси ўз кўли билан буғуни қозонда пишираётганини, унинг шохлари чопилиб қозон бошида турганини кўради. Боланинг хаёлида «Она» инсоният кўлидан ўлдирилди. Боланинг тушунишида бу ўз боласининг онасига кўл кўтариши ҳисобланади.

Бугу-Она – табиат билан инсон уйғунлигининг рамзидир. Ч. Айтматов бу орқали экологик муаммоларни кўтаради: инсон табиатни вайрон қилиб, ўз илдизини йўқ қилади.

Асарда уч рақами ҳамоҳанглик ва симметриянинг муҳим рамзи сифатида талқин этилади. Тадқиқотчилар қиссани таҳлил қилиб, уч рақамининг аҳамиятини қуйидагича таъкидлайдилар: «Қўрдонда учта оила, учта хонадон, учта эркак ва учта аёл яшайди». Бу тартиб-қоида дастлаб ҳаётнинг мукамал уйғунлигини ифодалайди. Бироқ асар давомида бу симметрия бузилади – учлик қонуниятларига риоя қилинмайди. Бу ҳолат жамиятдаги дисгармония, тартибсизлик ва руҳий-ижтимоий вазиятнинг издан чиқишининг рамзи сифатида кўрсатилади.

Асарда бола образи болаликнинг поклиги, соф онг ва инсонийликнинг ҳали бузилмаган рамзи сифатида талқин қилинади. Чингиз Айтматов бу образ орқали жамиятдаги ёмонлик, шафқатсизлик, ахлоқий таназзул ва инсоний қадриятларнинг йўқолишини кўрсатади. Унинг исми йўқ – фақат «бола» деб аталади. Бу унинг умумийлашган, типик образ эканлигини таъкидлайди: у алоҳида бир бола эмас, балки ҳар қандай пок қалбли боланинг, ҳали дунёнинг қабиҳлигига дуч келмаган инсоннинг тимсолидир. Бола орқали муаллиф болаликнинг софлигини жамиятнинг кўполлиги ва зўравонлиги билан қарама-қарши қўяди.

Натижада, боланинг фожиаси – бу фақат бир боланинг эмас, балки поклик ва умиднинг ўлдирилиши, жамиятнинг ўзининг инсонийлигини йўқотишининг рамзий ифодасидир.

«Оқ кема» қиссаси Чингиз Айтматов ижодининг энг муҳим асарларидан бири бўлиб, унинг бадий-фалсафий чуқурлиги ва рамзий бойлиги билан дунё адабиётида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Асарнинг асосий қаҳрамони – «бола» деб аталувчи образ – пок онг, болалик софлиги ва инсонийликнинг универсал рамзи сифатида трагедия марказида туради. Унинг фожиаси фақат бир боланинг тақдири эмас, балки поклик ва умиднинг ўлдирилиши, жамиятнинг ўзининг инсонийлигини йўқотишининг чуқур рамзий ифодасидир.

Ч. Айтматов миф, боланинг фантазияси ва реализмни органик синтез қилиб, совет даври модернизациясининг маданий-руҳий зарарларини, инсоннинг табиатдан узилиши оқибатларини ҳамда ахлоқий деградацияни очик танқид этади. Мифологик элементлар (Шохдор Бугу-Она, учлик симметрия, оқ кема) билан замонавий ҳақиқатнинг уйғунлиги асарни миф билан замонавийликнинг классик бирлиги намунасига айлантиради. Тадқиқотчилар томонидан бу қисса дунё адабиётидаги экзистенциал-фалсафий матнлар қаторига қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, «Оқ кема» – нафақат қирғиз, балки бутун дунё адабиётининг бадий-фалсафий шоҳ асаридир. Ч. Айтматов рамзларнинг бой тизими орқали инсониятнинг абадий муаммоларини – табиат билан ҳамоҳангликни сақлаш, урф-одат ва маданий меросни ҳурмат қилиш, ахлоқий жавобгарликни – боланинг пок дунёқараши орқали акс эттиради ва ўқувчини чуқур ўйга толдиради.

Асар совет жамиятидаги ўзгаришлар, инсон ички дунёсига ва атроф-муҳитга етказган зарарни кўрсатиб, экологик, ахлоқий ва мифопоэтик жиҳатлардан талқин қилинганда, ҳамон ўз долзарблигини сақлаб қолади. Бугунги кунда глобал экологик инқироз, маданий мероснинг йўқолиши ва ахлоқий қадриятлар бузилиши муаммолари ўткир турган бир пайтда «Оқ кема» бизга инсон табиатдан узилмасдан, ўз урф-одатини сақлаб, келажак учун умидни йўқотмаслиги кераклиги ҳақидаги абадий даъватни илгари суради..

Ч. Айтматовнинг маҳорати айнан рамзлар чуқурлигида ва бола образининг универсаллигида намоён бўлади. «Оқ кема» ўқувчини фақат ўқитмайди, балки инсонийлик намунаси сифатида тарбиялайди, келажак ҳақида ўйлантиради ва пок онгни сақлашга ундайди. Бу қисса қирғиз халқи руҳий меросининг олтин хазинаси ҳамда инсоният абадий изланишларининг ойнасидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кыргыз тилинин сөздүгү. Биринчи бөлүк. – Бишкек: AVRASYA PRESS, 2016. – 891 б.
2. Турдимов Ш. Халқ кўшиқларида рамз. – Тошкент: ЎзР ФА нашриёти давлат корхонаси, 2020. – 192 б.
3. Лотман Ю.М. Избранные статьи в трех томах. Т.І Статьи по семиотике и топологии культуры – Таллин: Александра, 1992.
4. Айтматов энциклопедиясы: Портреттер, илимий макалалар, эскерүүлөр, ырлар, каттар, маалыматтар, документтер, сүрөттөр ж.б. I том: А-Ж/ А.Акматалиевдин жалпы редакциясы астында. Экинчи бас. – Бишкек: Турар, 2018. – 971 б.
5. Чыңгыз Айтматов: “Окурмандын китеп текчеси” сериясы. 25-том. /Түз.А.Кадырманбетова. – Бишкек: Кут бер, 2017. – 640 б.
6. <https://sputnik.kg/20180407/ak-keme-povesti-tuuraluu-kyzyktuu-10-fakty-1038556725.html>